

МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган IOSA (IATA Operation Safety Audit) эксплуатация хавфсизлиги халқаро аудит дастурида кўзда тутилган талабларга мос равишда фаолият кўрсатаётгани боис махсус сертификат билан тақдирланди. Кеча Миллий авиакомпанияда Республика фуқаролар авиацияси фаолиятидаги ушбу муҳим воқеага бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида галлачиликни ривожлантириш истиқболлига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Туркия, Непал, Грузия, Арманистон, Озарбойжон, Қирғизистон давлатларидан вакиллар ва тадқиқотчи олимлар қатнашди.

• Давлат солиқ кўмитаси ҳайъатининг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўтган давр мобайнида солиқ идоралари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

• Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида «UK Young» Ўзбекистон — Жанубий Корея корхонаси иш бошлади. Унга 260 минг АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция жалб қилинди. Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ушбу корхонага хорижнинг замонавий дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, бу ерда 15 нафар мутахассис меҳнат қилмоқда.

• Конимех кишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида тумандаги ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, чорвачилик ширкатлари ва фермер ҳўжаликлари, кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан 125 та бўш иш ўринлари таклиф этилди. Тадбир давомида касб-хунар коллежларини битираётган ёш мутахассисларнинг 65 нафари квоталанган иш жойи билан таъминланди.

• «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига кўра, Бахмал туманида 15 миллиард сўмлик иш бажарилиши кўзда тутилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида туманда 7,8 минг квадрат метр уй-жой қурилди, 2,2 километр газ тармоғи ишга тушди, битта ҚВП, 2 та участка шифохонаси замонавий техника жиҳозлари билан таъминланди, 674 та янги иш ўрни яратилиб, ана шу мақсадда 6,446 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

• Конго Демократик Республикасининг амалдаги Президенти Д.Сассу Мгессо навбатдаги сайловларда галаба қозонди.

• Исроил олдиндан қўйилган шартларсиз Сурия билан бевосита музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини билдирди.

• Кеча Канаверал кўрфазидagi космодромдан олтинчи уринишда АҚШнинг «Эндевор» шаттли коинотга парвозини муваффақиятли амалга оширди. Режага кўра у икки кундан кейин Халқаро космик станцияга тутилиши лозим. Парвоз давомида «Эндевор» астронавтрларининг очик космосга беш марта чиқишлари кўзда тутилган.

• Латвия маъмурияти режасига кўра амалга оширилаётган давлат бошқарувидаги ислохотлар давлат органларида штатлар қисқартирилишини назарда тутди. Шу тариқа, йил охиригача вазирликларда 1145 та штат ўрни қисқартирилиши лозим. Шундай йўл билан давлат бошқарувидаги 4432 та штат ўрни 2987 тага туширилади.

• Эроннинг шимоли-ғарбий қисмидаги Қазвин шаҳри яқинида ушбу мамлакатнинг «Caspian Airlines» авиакомпаниясига тегишли бортида асосан Эрон ва Арманистон фуқароларидан иборат 168 киши бўлган, Техрон — Ереван рейсини амалга ошираётган «ТУ — 154» русумли самолёт ҳалокатга учради. Тез орада самолётнинг иккита «қора қутиси» топилиб, ҳозирда фожа сабаблари ўрганилмоқда.

• Бугун Эронда «ТУ-154» русумли самолётнинг ҳалокатга учраши ва унинг бортидаги арман миллитига мансуб кўплаб йўловчиларнинг ҳаётдан кўз юмуши сабабли Арманистонда мотам эълон қилинди.

• Германия «Чўчка гриппи» номи билан танилган А/Н1 N1 гриппига қарши 50 миллионга доза вакцина харид қилишга қарор қилди. Режага кўра мамлакат аҳолисининг 30 фоизини ушбу вакцина билан эмлаш кўзда тутилган. Бунда авваламбор тиббиёт ходимлари, сурункали хасталикларга чалинганлар ва ҳомиладорларга асосий эътибор қаратилади.

• Канада Иммиграция вазирлиги бугундан эътиборан Мексикадан таширчи буюрувчи фуқаролар учун виза тартибини жорий этди. Бундай тартиб ўтган куни Чехия фуқаролари учун ҳам таъбиқ қилинган эди. Бунинг сабаби шундаки, бу икки давлатдан Канадага келувчилар ва мамлакат маъмуриятидан бошпана беришларини сўровчилар кўпчиликини ташкил этади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (11.450)

Баҳоси эркин нархда



«Мустақиллик биз учун — ўзликимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир»



Мамлакатимизда таълим-соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, жумладан «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига биноан шаҳримизда кейинги йилларда кўплаб замонавий касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, мактаблар бунёд этилиб, замон талаблари даражасидаги ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда.

Жумладан, яқинда Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежи янги биносининг фойдаланишга топширилди ҳам азим пойтахтимизнинг 2200 йиллик қутлуг тўйига муносиб тўхфа бўлди. Мазкур таълим масканининг барча ўқув, лаборатория ва амалиёт хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланган. Коллежда ўқитувчи ва ўқувчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилган.

Коллежда 3 та ўқув биноси мавжуд бўлиб, биринчи бино умумтаълим фанлари учун, иккинчи бино касбий-таълим фанларига ва учинчи бино ўқув устaxonаларига ажратилган. Умумтаълим фан-

лари биносиди физика, химия, биология фанларидан 7 та лаборатория хоналари, 54 та ўқув хоналари, 5 та компьютер хоналари, 1 та мультимедия хонаси, ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуаси, фаоллар зали ва маърузалар зали ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун хизмат қилмоқда. Касбий таълим биносиди 14 та лаборатория, 36 та ўқув хоналари мавжуд бўлиб, ўқувчилар 10 та йўналиш бўйича касбга йўналтирилган. Шунингдек, ўқув устaxonасиди 18 та ўқув машғулот хоналари, 2 та лаборатория хонаси ўқувчилар ихтиёрида. Бугунги кунда коллежда жами 1886 нафар ўқувчи тахсил

олиб, уларга фан номзодлари, юқори малакали ўқитувчи ва муҳандис педагоглар ўз билим ва тажрибаларини ўргатиб келишмоқда.

Ушбу таълим маскани «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тизимидаги корхоналарга ўрта бугун раҳбарларини тайёрлаб беради. Айтиш жоизки, шаҳримиз метрополитенида ҳам мазкур коллеж битирувчиларига эҳтиёж катта.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўқув муассасаси раҳбарияти биринчи навбатда таълим мазмуни ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратган. Бу ерда таълим мазмунини тубдан ўзгартириш, ўқиш сифатини ошириш,

янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий қилиш, ўқувчилар томонидан назарий материалларни ўрганиш, амалий кўникмаларни эгаллаш учун кўп вақт тинимсиз ва ижодий изланиш, тадқиқот ва таҳлил қилиш талаб қилинади. Шу боис ушбу таълим масканида ўқувчилар ҳар томонлама билимли, етук мутахассис бўлиб камолга етадилар. Баркамол авлод эса юрт келажигидир.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Миллий дастур — амалда БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИНГ САЛМОҚЛИ САМАРАЛАРИ

Пойтахтимизда ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистонда «Zenith Electronics» қўшма корхонасида «LG Electronics» маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга оширишга оид ахборот тақдим этилди. Унда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «LG Electronics»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва «Zenith Electronics» қўшма корхонаси раҳбарлари иштирок этди.

кафолат мuddати тақдим этилган. «Zenith Electronics» қўшма корхонаси бош директори Ф.Абдрҳиш 2004 йилдан буён Тошкентда «LG Electronics» билан ҳамкорликда кинескопи, суюқ кристалл ва плазмали телевизорлар, DVDлар ва маъмурий совутиқчилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини таъкидлади. Ишлаб чиқариш «LG» компанияси сифат назорати остида тайёр, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш асосида ривожланмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, «Zenith Electronics» қўшма корхонаси ишлаб чиқариш технологияси бўйича барча талабларга қатъий риоя қилади ва иш-

лаб чиқарилаётган маҳсулот сифати катта эътибор қаратади. «Zenith Electronics» қўшма корхонаси Ўзбекистонда турли хилдаги маъмурий техника ишлаб чиқариш бўйича етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда инвестициялар учун яратилган қулай шарт-шароит қисқа мuddат ичида Тошкент шаҳрида электрон санъатининг йирик корхонасини ташкил этишти, 1200 та иш ўрини яратиш, қиймати 450 миллион АҚШ долларига тенг импорт ўрнини босадиغان, экспортбop электрон маъмурий маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини берди. Бугунги кунда қўшма корхонанинг

ишлаб чиқариш инфратузилмаси 6 та йиғиш линияси, босма платалар ишлаб чиқариш бўйича 2 та линия, пуфлаб қудядиган олти машинадан иборат қўйиш участкаси, тегишли линия ва конвейер қуритиш печига эга бўлиш участкаси, говак пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш участкасида иборат пластмасса буюмлари заводини ўз ичига олган. «Zenith Electronics» қўшма корхонаси «LG Electronics» савдо белгиси остида маҳсулот ишлаб чиқариш учун ISO 9001:2000 стандарти бўйича сифат менежменти соҳасида мувофиқлик сертификатига эга. «Zenith Electronics» қўшма корхонаси линияларида ишлаб чиқарилган буюм-

лар инновациялар ва сифати бўйича Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардаги заводларда тайёрланган маҳсулотлардан қилинмайди. Бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган совутиқчиларга талаб катта. «Zenith Electronics» қўшма корхонаси томонидан 2004 йилдан буён 18 русумдаги 265 мингтага яқин телевизор, 4 русумдаги 6 мингта DVD ва 5 русумдаги 50 мингдан ортиқ совутиқ ишлаб чиқарилди. Жорий йилда кир ювиш машинасини ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар «LG» маҳсулотлари Ўзбекистон аҳолиси томонидан кенг харид қилинаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, преференция, солиқ ва божхона имтиёзлари, «LG Electronics» компанияси технология ва инвестициялари ҳамда «Zenith Electronics» қўшма корхонаси мутахассисларининг тажрибаси жаҳон стандартлари даражасида аҳоли учун қулай нархларда импорт ўрнини босадиغان ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.


✓ **КЕЧА** «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясида ўтказилган тадбирда малайзиялик мутахассислар ҳамкорлигида шаҳримизда суюқ ёқилги ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон — Малайзия қўшма корхонаси ташкил этилажаги маълум қилинди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат иқтисодий университетиди, Низомиё номили Тошкент Давлат педагогика университетида уюштирилган тадбирларда битирувчи талабаларга дипломлар топширилди.

✓ **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 288-мактабда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб «Элу юрт кўркисан, азим Тошкентим» мавзуйда уюштирилган маънавий-маърифий тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номили маданият уйида бадий ҳаваскорлик жамоалари, тўғрақлар, курслар раҳбарлари, катнашчилари иштирокда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Санъатта ошно кўнгиллар» деб номланди.

ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАҒИМА
2200
2009
ТОШКЕНТ



УЛУҒ САЛТАНАТ

(Тетралогиянинг "Мироншоҳ Мирзо" номи учинчи китобидан айрим бўлақлар)

Муҳаммад / АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

(Давоми. Боши ўтган сонларда)...

"Алтурбийнинг фосик ва бузуқи бир ўқаси бўлиб, у ноқис, Султон Аҳмад жалайирнинг хотини, яъни пошшоода Султон Тоҳирнинг онаси билан дон олишиб қолди... Хабар тошган Султон Тоҳир ишни қозига ҳам топширмади, тошбўрон ҳам қилдирмади, шармандаликка чиқолмай онаси билан Алтурбийнинг ўқасини тутқиди ва дарҳол қатл этдирди. Барбир фиску фуқур, майда-чуйда гаплар ёйилиб кетди. Бутун қалъа ахли ғазаб отига минди.

Иттифоқо, бу пайт, одатича, қалъадан паства тушган Алтурбий бойлигу ўлжалар билан мамнун қайтганида гаройиб воқеа юз берди: доруғага дарвозани очмади-лар!

Қалъадан:
— Фосик уқангни олиб кет!.. — дея қичқирди кимдир.
— Зинокорларга бизда ўрин йўқ!
— Корангни ўчир! Йўқол!
— Уқанг бузуқчилик қилди! Бор, уқанг билан қўшмозор бу!

Алтурбий хайратдан ёқа ушлаб турганда, қандайдир нарсани ўрдудан ошириб шалпиллатиб паства ташладилар. Ғира-ширада у аввал яхши илгаммади, кейин не кўз билан кўрсинки, оёғининг тагида ўқасининг жассади ётарди!

— Ортиқ қалъага сени ҳеч қачон қўймайми!
— Агар қалъага кираман десанг, жонингдан уумидингни узавер!

— Йўқол, лъанати! — каби таҳдидлар эшитилди... Алтурбий чора тополмай кигиздан либос кийиб, пааноҳ истаб Амир Темур салтанати ҳимоясидаги Маранд ҳорқими ҳузурига борди. Ҳар нарсдан ҳадиксирайдиган кўрқоқ ҳоким ашаддий душманини аскарларсиз ёлғиз кўрғоқ, хусусати тинч қўймай, дарҳол унинг калласини кесилшини буорди ва Қорабоғда турган Амир Темурга буорди.

Хумоюн ўрдудан инъому мукофотлар кутиб ўлтирган Маранд ҳокими, аксинча, худонинг ғазабига учради. Амир Темур дўстлиги ёки душманлигидан қатъи назар, маърад ва шижоатли инсонларни тан олар, эъозлар, душманни дўстга айлантиришга, дўстларни эса саздоқат ва ҳиммат иллари билан яна ҳам маҳкамроқ боғлашга тиришарди. Алтурбий ҳақида соҳибқирон эшитган, марду кўрқимаслигини билдиб, кўнглида гоийбдан унга нисбатан иллик туйғулар уйғонганди. Шундай кишиларни дўстга айлаштириш керак!

Каллани кўрсатиб: "Бу Алтурбийнинг боши!", деганлариди, Амир Темур ўрнида қон кўзголиб қўйди! "Ким бунни ўлдирсин, деди?.. — истиробда сўради соҳибқирон. — Шундай мард одам увор бўлди-я! Мардик ҳажм Оллоҳнинг инъояти! Мард одам ҳар қадамда учрамайди!"

Амир Темурнинг қўли илгига чўзилди, шу заҳоти Маранд ҳокимини қатлга буориб, мол-мулкни мусодда-ра этишга фармон берди.

Ҳеч нарсада айби йўқ, аммо ўқасининг бузуқчилиги туфайли киндик қони тўкилган жойдан айрилган Алтурбийни эсларкан, Ахий Жаббор баҳодирнинг тили: "Аста-тағфурилло! Астағфурилло!" дан нарига ўтмади. Ахийлик, жавонмардикнинг ҳам рўқнаридан бири — фаҳшу зивони тарқ этишди.

Ахий Жаббор баҳодир майдонда издиҳомни бошқариб, унга-бунга иш буориб юрган қотма, мўйлаби йўқ, аммо куюқ соқол қўйган баланд бўйли одамга қаради. Султония қозиси кўринишдан қўй оғзидан чўп ҳам олмайдиган, ювоти, мўймин-қобил, бировга асло ёмонлик тиламайдиган беозор кишига ўхшарди. Унга қараб, бийроздан кейин бу "беозор одам"нинг қўлига қайдандир тошлар олишини ва гуноҳкорларга отиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эди. У халойиққа қараб босиб деди:

— Шариат йўлларида, Қуръони каримда, Ҳадиси мул-борада мўйян азоб ва жазога лойиқ гуноҳкорга Оллооҳ таолонинг ҳақи собит ва воқиб этиб қўйилмишдур.... Бас, бари бандаси учун амри вожибдур...

Қози зинонинг машъум жиноят эканлиги, шариатда боқир-боқирларга юз дарра уриш, уйланганларга эсса тошбўрон қилишшга жазо берилиш ҳақида гапирди ва жаҳла мўймин-мусулмонларни ҳаром-ҳариддан қўл торттишга даъват этди.

— Оллооҳ ақбар! — қичқирди қози ва қўлидаги тошлардан бирини эркакка қараб отди, иккинчисини хотинча йўллади...Тулқинланган оломон жунбушга келди. Ба-қирқ-қирқ-қирқлар остида қозининг ишораси билан энди ҳамма тош олд... Сурон ичида шўрликларнинг ингра-ған овозлари эшитилмай кетди.

Ахий Жаббор баҳодир ханг-манг, қонга бўялиб, қип-қизил гўшта айланган, аллақачон омонатни эгасига топ-ширган бечораларга қўйинди, тошлар ул бахти қаро-ларга эмас, худди ўзига томон отилгандай туюлиб кет-ди, аммо бирон кўмак беришдан мутлақо оҳишганини ҳис қилди. Қани энди ўртага тушиб, гуноҳкорлар жо-нига оро кирса!.. Аммо... кира оладими? Унинг устига халқ билгани — Ҳақ билгани, деган гап бор. Халқ биронч нимани билмаса, бундай бешафқатликка бормайди. Гу-ноҳкор шариатда белгиланган жазоларни олиши керак... Шу палла Самарқандда кенган воқеа ёдига тушди. Хосс йигитлари Уқора, Йаналтекинлар билан бирга Устанинг тақжонасига бораётганлариди, бозор йўлида қўйилган белигача тушириб қўйилган ўн икки ёшлардаги бир бо-ланинг яланғоч елкасига хипчин билан роса савалган-ларини кузатган, дили оғриган, аммо кўра-била туриб бирон ёрдам беролмай чорасиз қолганди. Оқ, бандаси қанчалар оҳиш!.. Наҳотки, шу "томошабин"лар ичида ҳеч кимнинг шўрликларга ичи ачимайди, деган саволга у жавоб топа олмасди...

Мироншоҳ Мирзо сарой ичидаги жаннатнома богда салқин ҳовуз бўйидаги нақшинингор сўрида соҳибқирон каби ётқиқа ястаниб, ёнбошлаб ётарди. Шунда ҳамма бўйинлари зирқираб оғрийдиган қўл-оёғи бироз ором оларди. У пинҳона ҳар қадамда падади бузуқворига ўхшаган тирилишини Ахий Жаббор баҳодир биларди. Хушсурат, тинч юзли, қошлари қуюқ, бежирим мўйла-би ўзига ярашган, буйдор амирзода шафқатсиз, тобора уйин-қулгига, машау майхўрликка ружу қўйиб бора-ди, бун яшири ҳам демасди. Ҳар кун саройда бази, ма-ишат, дарё-дарё майи ноёлар оқайди. Шамъи шабистон бўлғувчи хуриликлар беадад...

(Давоми газетанинг келгуси сониди)

Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи то-монидан 2008-2009 ўқув йили битирувчи-лари учун берилган К№ 1412620 рақамли тўлдирилмаган диплом йўқолганлиги са-бабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Марказий офицерлар саройида «Балли, йигитлар» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

ВАТАННИ МАДҲ ЭТУВЧИ ҚЎШИҚЛАР

Республика Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур танлов ҳарбий хизматчиларнинг маънавий, руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада тақомиллаштириш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, юртимиз мустақиллиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги фаоллигини янада кучайтиришга қаратилган.

Ушбу танловда саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган Жанубий-ғарбий маҳсус ҳарбий округининг "Фазо", худудлардаги ҳарбий қисмларнинг "Қанотли шамширлар", "Водий шунқорлари" ҳамда Тошкент ҳарбий округининг "Десантчи" гуруҳлари ўзаро беллашди. Жамоалар касбий маҳорат, кино дубляж санъати кўриги, сардорлар беллашуви, ҳарбий хизматчи тағтилда сингари бир нечта шартларда ўз иқтидорларини намойиш қилишди.

Кўрик-танлов давомида иштирокчилар ўзларининг касбий маҳоратларига оид кўрғазмаларни чиқишлар қилишди. Айтиш керакки, ҳар соҳадан бир шингил йўналишида Ватанимиз тарихи ва бугуни, санъат, адабиёт ҳамда ҳарбий соҳага оид саволларга берилган аниқ жавоблар ҳарбийларимизнинг нечоғли юқори билим ва савияга эга эканлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Жамоаларнинг ҳар бир чикиши йиғилганлар томонидан алоҳида кизиқиш ва эътибор билан қўлиб олинди. Аиниқса, улар томонидан маҳорат билан ижро этилган Ватанни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар барчада катта таассурот қолдирди.

Танлов жараёнида ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан жамоаларнинг чиқишлари ҳолис баҳолаб борилди. Якуний натижаларга кўра, биринчи ўрин "Водий шунқорлари" жамоасига насиб этди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

Тошкентнинг табаррук заминиди буюқ алломалар, олтин қалам соҳиблари, шоиру фузалолар, давлат арбоблари ва саркардалар етишиб чиққан. Мустамақачилик даврида миллатимиз шон-шўхрати, мустақиллиги учун курашган Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Тавалло каби буюқ сиймолар шу табаррук заминда дунёга келдилар. Замонавий мактаблар ва дорилфунун очдилар. Миллий матбуотга асос солиб, театр санъатини бошлаб бердилар. Улар замон нафаси билан ижод қилдилар, миллат ҳақ-ҳуқуқи, эркини ҳимоя қилувчи асарлар яратдилар. Бу улуг ишлар билан кифоялиб қолмай, адолатсизликка, истибдодга қарши мардонавор курашдилар ва шу йўлда ҳатто жонларини ҳам фидо этдилар. Қани энди бир мўъжиза рўй берсаю улар яна ҳаётга қайтиб келсалар, ҳақиқий мустақилликка эришган Ўзбекистонимизни, унинг эркин, озод халқини, кундан-кунга яшнаб, яшариб бораётган азиз пойтахтимиз Тошкентнинг ҳозирги хусни-жамолини кўриб қувонсалар...

Муборак китобларда ёзилганидек, ҳар бир жонли, жонсиз мавжудотнинг тебратиб турган юраги бўлади. Ўзбекистонимизнинг қалби, юраги қадимий ва навқирон Тошкентдир.

Шаҳарнинг обод ва кенг, гавжум кўчалари, хиёбонлари бўйлаб борар экансиз, истиқлолимиз туфайли тобора яшнаб, гўзаллашиб бораётган пойтахтимиз билан фахрлиши ҳиссиёти сизни бир дақиқа ҳам тарқ этмайди, шу навқирон шаҳарнинг фуқаросидек бахтга эга бўлганлигингиз учун ўзингизни мағрур ва маъсуд ҳис этасиз.

Тошкентнинг тарихий жуғрофий харитасию замонавий қурилишларида, хиёбон, майдон, кўчаларида юртимизнинг тарихи, халқимизнинг яратувчанлик ишлари намойендир. Эҳе, бу муборак шаҳар, унинг меҳнатсевар халқи бошига не кунлар тушмади, дейсиз. Уруш йиллари минглаб етим қолган болалар тошкентликларнинг хонадонларидан ўзаларига паноҳ топдилар. Ўзбекининг атоқли шоири Фафур Фуломнинг «Сен етим эмассан» ва бошқа шу каби инсонпарварлик гоилари билан йўрилган шеърлари кўп тилларга ўғрилиб, халқимизга хос меҳр-оқибатни бутун дунёга дoston қилди.

Шомаҳмудовлар оиласи турли миллатга мансуб ўндан ортиқ етим болани бағрига олиб, уларни тарбиялади, ўқитди, хунар ўргатди. Бу — ҳақиқий ўзбекона меҳр ва барикенглик намунаси эди. Шу билан бирга урушнинг оғир йилларида Тошкент уйсиз-жойсиз оҳишда қолган турли миллат аҳилларини бағрига олиб меҳр-оқибат кўрсатди. Шу сабабдан ҳам: «Тошкент — нон шаҳри», «Меҳр-муруват шаҳри» дея фахр билан улуғланади.

Эндиликда Тошкент кўчаларида Ўзбекистоннинг ўзида ишланган, қулай ва чиройли енгил ва юк ташиш машиналари, турли йўналишлар бўйича кечаю кундуз қатнаб турадиган автобус, трамвай ва троллейбуслар пойтахтликларнинг жонига оро кирмоқда.

Тошкентнинг ўзида ишланган қудратли, замонавий самолётлар — барчаси ўзимизники. Истиқлол туфайли ҳаётимиз гўзал ва фаровон, биз энди ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам. Мустақиллигимиз бизга она тилимизни, ёзувимизни, миллий ифтихоримизни, дину дёнёнатимизни абадул-абад қайтариб берди. Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг ҳозирги кунда нақадар кенгайиб, ободонлашиб бораётганлиги ҳам истиқлолимиз туфайлидир.

Мустақиллик майдони, «Ёшлик» Талабалар шаҳарчаси, Тошкент метроси, Амир Темур хиёбони, Шифокорлар шаҳарчаси, Юнусободдаги «Шаҳидлар майдони», Алишер

Тошкент — ўзининг ривожланиш тарихида нон шаҳри, тинчлик шаҳри, меҳр-шафқат шаҳри деб ном олган ўзбегимнинг азиз ва муқаддас пойтахти. У маданиятнинг қадимий бешиқларидан бўлганлиги учун ҳам етти иқлимда маълум ва машҳур бўлган шаҳри азимдир.

Навоий номиди опера ва балет театри биноси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбек Давлат Миллий академик драма театри, Юнусободдаги Урта Осиёдаги энг баланд телеминора, Чорсу, Юнусобод, Олой, Паркент, Фарҳод бозорлари, бири-биридан гўзал замонавий меҳмонхоналар шаҳримиз хуснига хусн қўшиб турибди.

Тошкент — жуғрофий жиҳатдан энг қулай минтақада жойлашган. Шаҳарнинг бир чеккаси Сирдарёга, бошқа чеккаси Чимён ва Бўстонликнинг хушманзара заминига бориб тақалади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Тошкентнинг тилла барқаш янглиғ маркази кучли зилзиладан дарз кетди. Тошкентликлар бу табиий офатни матонат билан енгиб, она

май, ёш ва гўзал шаҳар! Мустақиллик қарор топган Ўзбекистон Республикасининг мунаввар пойтахти! Мана, биз шу гўзал шаҳримизнинг икки «соҳили»да кўркам ва мухташам бинолар бўлган яшил ва файзли хиёбонлар бўйлаб бормоқдамиз. Пойтахтнинг белига олтин камардек бўлган соқин Анҳор бўйида тиззасига ойдек неварасини олиб ўтирган, анча кексайиб қолган, бир нуронийдан сўрайман:

— Отахон, яхши ҳордик олаёписими, ҳаётингиздан хурсандмисиз?
— Хурсанд бўлиш ҳам гапми, — дейди отахон, — ўз бахтим, ҳаётим, тақдиримдан мамнун ва масрурман. Қани энди, мўъжиза рўй берсаю бир юмалаб ёш йигит бўлиб қолсам.
— Унда нима қилган бўлардингиз, отахон?

— Шу озод ва обод истиқболи порлоқ юртим учун белимни маҳкам боғлаб хизмат қилган бўлардим.

Отахон бироз ўйлаб туриб яна деди:

— Азиларим! Истиқлолимизнинг қадрига етинглар. Кундан-кун гуллаб-яшнаётган Тошкентимизни эъозланлар, у билан фахрланинглар. Уни кўз нуридек сақланлар, яна бир бор айтман, яхши ҳаётни, яхши замонни қадрланлар.

Машҳур озарбойжон шоири Сулаймон Рустамнинг Мақсуд Шайхзода ўзбек тилига ўғирган Тошкент ҳақидаги шеърда ҳам гўзал пойтахтимиз қандай чиройли тараннум этилганлигига бир эътибор қаратинг-а:

Тошкент, қадим шаҳар, қулоқ сол бир оз, Қардошинг Бокунинг шоир ўғлига. «Жон» дейди бағрингда қўйлаган бу соз, Боғингда, боғчангда жой кўрсат унга.

Оғзимдан тушмайди шухратинг, отинг, Сухбатда мен нуқул шаънингни дейман. Кўзимдан бир лаҳза йирок бўлмадинг, Мен сени ҳар қайда ватан атайман.

Эй яшил либосли, гул қийган шаҳар, Она бешигисан қаҳрамонларнинг, Манглайда қўбшдай порлайди зафар, Иссиқ қучогисан мард инсонларнинг.

Мен сенга мафтунман йиллардан бери, Менинг армонимда, тилагимда сен. Ўзбек қардошимнинг дилбар шаҳари, Тўққан шаҳаримдай юрагимда сен.

Яқинда Тошкентимизнинг ўзида ишланган, ҳозирги замоннинг сўнгги андозалари асосида бунёд этилган ҳаво кемасида узоқ сафардан азиз пойтахтимизга учиб келдим. Ярим тун бўлишига қарамасдан, Тошкент ҳамон уйғоқ ҳамон ҳаракатда. Юлдузлар билан чароғон юксакликда туриб паства қараайман. Азим шаҳар худди юлдузлар чакнаб турган зангори осмонни олиб ёра ўрнатиб қўйгандай чароғон кўринди кўзимга. Алламаҳал бўлишига қарамасдан Тошкент кўчалари нур дарёсига кўмилгандек, гўзал ва уйғоқ.

Ҳа, бу бизнинг икки минг йилдан зиёд умр кўрган ва борган сари яшариб, гўзаллашиб бораётган азиз, қадрли, истиқболи порлоқ Ўзбекистонимизнинг қадим ва нурафшон пойтахти азим Тошкентдир.

Муборак ёшнинг кутлуг бўлсин, она шаҳримиз — Тошкент!

Мақсуд ҚОРИЕВ

ОНА ШАҲРИМ ТОШКЕНТИМ

пойтахтни қайта тикладилар...

Ўзимизда, Ҳиндистон билан Покистон ўртасида катта низолаб чиқиб, Шарқдаги бу икки давлат уруш хавфи остида турганда Тошкентда мазкур давлатлар раҳбарларининг учрашуви ўтказилган. Ҳар икки томонлар ҳам келишиб, тинчлик сулҳи тузилган. Ушунда қабул қилинган машҳур Тошкент декларацияси шаҳар номи билан аталганди...

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президентини раҳнамолигида пойтахтимиз обод бўлиб, тенгсиз даражада кўркамлашди. Энди қурилаётган уй-жойларнинг сифати, яшаш учун қулай бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу билан бирга илмий-текшириш институтлари, маданий муассасалар, олийгоҳлар давлат ва жамоат ташкилотларининг бинолари замон талаблари асосида қайта таъмирланди, янгилари барпо этилмоқда, хиёбонлар, майдонларни кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Тошкент энди саксонинчи йиллардаги пойтахт эмас. Истиқлол туфайли шаҳримизни қиёфаси янги замон руҳи билан қайта қурилиб дунёдаги машҳур пойтахтлар билан бемалол беллашадиган, балки улардан ҳам ўтадиган жаҳоннинг энг гўзал, обод, кўркам шаҳарларидан бирига айланди.

Бугунги кунда Тошкентда кўплаб нуфузли халқаро анжуманлар, конференциялар, йирик спорт мусобақалари ўтказилаётганлигининг гувоҳимиз.

Одатда ёш келинларнинг гўзаллиги ўн тўрт кунлик ойга қиёс қилинади. Мустақиллик йилларида беҳад даражада яшарган ва гўзаллашган Тошкентни ҳам ўн тўрт кунлик ойга менгаш мумкин. Унинг яшнаб-яшаргани нафақат мухташам замонавий бинолар, кўприклар, хиёбонлар, боғлар, майдонлар барпо этилгани балки шу биноларда хизмат қилаётган, боғ ва хиёбонларнинг хуснига хусн, файзига файз қўшаётган ёш йигит-қизларнинг, истиқлол даврида улғайган янги авлод билан янада ёрқин намойён бўлади. Зеро, шу авлод Тошкентнинг, бутун Ўзбекистоннинг, она-Ватанимизнинг мунаввар эртанги кунидир. Биз бу азим шаҳарнинг фарзанди бўлганимиз билан фахрланамиз ва деймиз: «Кўринг, ҳавас қилинг, бу бизнинг озод, мустақил, истиқболи порлоқ Ўзбекистонимизнинг гўзал ва улуг маркази!»

Икки минг икки юз ёшга киришига қара-

байотишда ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти беқиёс, — дейди Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази директори Нуриддин Мухидов биз билан суҳбатда. — Шу боис педагогик жамоамиз ўқувчилар ўртасида ҳаракатли ўйинларга асосланган спорт мусобақаларини ташкил этиб келади.

Бунга яхши билган Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази педагогик жамоаси ҳар йили мунтазам равишда марказ тўғрараклари ўртасида спорт байрамларини ўтказиб келади.

Бу йилги "Спорт — соғлиқ элчиси" номи остида ўтказилган спорт мусобақасида "Саводхонлик", "Бисер тўқиш", "Мусаввирлик" тўғрараклари аъзолари фаоллик кўрсатишди. — Болаларнинг руҳий дунёсини

Ёз — 2009

Тўғараклар аъзолари фаоллик кўрсатишди

Ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний баркамоллиги эртанги келажак учун муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

Бунга яхши билган Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази педагогик жамоаси ҳар йили мунтазам равишда марказ тўғрараклари ўртасида спорт байрамларини ўтказиб келади.

Бунга яхши билган Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази педагогик жамоаси ҳар йили мунтазам равишда марказ тўғрараклари ўртасида спорт байрамларини ўтказиб келади.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ЖУМА, 24

ПАЙШАНБА, 23

Многосерийный художественный фильм «ЗАТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ»

05:55 Курсулвар дастурин «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»

06:00 «Ассалом, Узбекистон!»



ТОШКЕНТ 2009

Бош муҳаррар Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кутубхона чикади

Нашир кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида

02-1 рақам билан рўйхат олисанг.

Нашир отқазиб бериш масалалари бўйича

«Тошкент почта» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарк» ношрият-матбоба акциядорлик компанияси

бошқармоқчи. Корхона министри: «Буқ Турон» кўчаси, 41-йўли.

156789

Топширилган вақти: 14.35